

ЛАМБРОТИН

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

Препаратнинг савдо номи: Ламбротин
Тасвир этувчи моддалар (ХПН): амброксол + цетиризин
Дори шакли: ичга қабул қилиш учун сироп

Таркиби:

фаол моддалар:

Ламбротин 15 мг / 2,5 мг: ҳар 5 мл куйидагиларни сақлайди:

Амброксол гидрохлориди ВР 15 мг;

Цетиризин гидрохлориди ВР 2,5 мг;

Ламбротин 30 мг / 5 мг: ҳар 5 мл куйидагиларни сақлайди:

Амброксол гидрохлориди ВР 30 мг;

Цетиризин гидрохлориди ВР 5 мг.

ёрдამчи моддалар:

Ламбротин 15 мг / 2,5 мг: сорбитол 70% эритмаси, метилпарабен, пропиленпарабен, тиомочевина, пропиленгликоль, глюкоза эритмаси, глицерин, ацесульфам калий, натрий сахарин, лимон кислотаси, натрий цитрат, малина эссенцияси, ялғиз эссенцияси, ди натрий гидрофосфат, лимон кислотаси, тозаланган сув.

Ламбротин 30 мг / 5 мг: сорбитол 70% эритмаси, метилпарабен, пропиленпарабен, тиомочевина, пропиленгликоль, суюқ глюкоза, глицерин, ацесульфам калий, натрий сахарин, лимон кислотаси, натрий цитрат, малина эссенцияси, ялғиз эссенцияси, ди натрий гидрофосфат, тозаланган сув.

Тасрифи:

Ламбротин сироп 15 мг+2,5 мг/5 мл: тиник, рангсиз сиропсимон суюқлик.

Ламбротин сироп 30 мг+5 мг/5 мл: қаҳрабо рангли флаконларда пушти рангли сиропсимон суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Муколитик ва антигистамин дори воситаси.

АТХ коди: R05CA10

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Амброксол муколитик восита бўлиб ҳисобланади. Секретомотор секретolitik ва балғам кўчирувчи таъсирларга эга; бронхларнинг шиллик қавадига сероз хужайраларни рағбатлантириди, альвеолалар ва бронхларда шиллик секрет миқдорини, юза-фаол моддалар (сурфатант) ажралишини оширади; балғамдан сероз ва шиллик компонентларининг издан чиққан нисбатини нормаллаштиради. Гидролизловчи ферментларни фаоллаштириб ва секретор хужайралардан лизосомаларни ажралиб чиқшини кучайтириб, балғамнинг қовушқоқлигини пасайтиради. Хишпилловчи эпителининг ҳаракат фаоллигини оширади, мукошилар транспортни оширади. Ичга қабул қилингандан кейин 20 минутдан кейин бошланади ва 6-12 соат давом этади.

Цетиризин аллергияга қарши восита бўлиб ҳисобланади. Цетиризин - антигистамин препарат, Н1 – рецепторларининг селектив антагонисти, у сезиларли антихолинергик ва антисеротонин таъсирларга эга эмас. Цетиризин гематоэнцефалик тўсиқ орқали ўтмайди. Цетиризин аллергия реакциясининг эрта фазасини тормозлайди, шунингдек эозинофиллар каби ялғизланиш хужайралари миграциясини, кечки аллергия реакцияда иштирок этувчи медиаторларни ажралиб чиқшини камайтиради. Цетиризин бронхал астмаси бўлган беморларда гистаминни ажралиб чиқшига жавобан юзгага келувчи бронхал даррахтнинг гиперфаоллигини аҳамиятли пасайтиради. Препаратнинг ушбу самаралари марказий таъсир билан кечмайди, бу психометрик тестлар ва ЭКГ маълумотлари билан тасдиқланади.

Фармакокинетикаси

Амброксол ичга қабул қилингандан кейин жуда яхши сўрилади, қон плазмасидаги Сmax га 0,5-3 соатдан кейин эришилади. Плазма оксидлари билан боғланиши – 80%. ГЭТ, йўлдош тўсиқлари орқали ўтади, кўкрак сuti билан ажралади. Дибромантранил кислотаси ва глюкурок конъюгатларини ҳосил қилиб жигарда метаболизмга учрайди. Т1/2 1,3 соатни ташкил қилади. Буйраклар орқали чиқарилади: 90% - сувда эрувчан метаболитлари, 5% - ўзгармаган кўринишда.

Цетиризин ичга қабул қилинганда тез сўрилади, катталарда ярим чиқарилиш даври 7,9 ± 1,9 соатни ташкил қилади. Цетиризин ва унинг метаболитлари организмдан асосан сийдик билан чиқарилади.

Алоҳида клиник ҳолатлардаги фармакокинетикаси: оғир даражадаги буйрак етишмовчилигида Т1/2 ошади, жигар функциясини бузилишларида ўзгармайди.

Қўлланилиши

- қовушқоқ балғам ажралиши билан кечувчи нафас йўллари касалликлари;
- балғамни қийин ажралиши билан кечувчи бронхал астма;
- ўткир ва сурункали бронхит;
- пневмония;
- бронхоэктатик касаллик;
- ўпканинг сурункали обструктив касалликларида қўлланади.

Қўлдан усули ва дозалари

Ламбротин препарати оваткланиш вақтида, оз миқдордаги суюқлик билан ичга қабул қилиш учун буюрилади.

Болаларга Ламбротин сиропни (5 мл да 15 мг амброксол) куйидаги дозаларда бериш тавсия этилади:

2-ёшгача - 2,5 мг дан кунига 2 марта;

2 ёшдан 5 ёшгача - 2,5 мг дан кунига 3 марта;

5 ёшдан ошган - 5 мл дан кунига 2-3 марта.

Катталарга Ламбротин сиропи (5 мл да 30 мг амброксол) 10 мл дан кунига 2-3 марта тавсия этилади.

7 кундан ортиқ давом этувчи даволаганда доза 2 марта камайтирилади.

Шифокор тавсиясиниз 4-5 кундан ортиқ қўллаш тавсия этилмайди. Даволаш вақтида суюқликларни (шарбат, чой, сув) кўп миқдорда истеъмол қилиш керак, чунки у препаратнинг муколитик самарасини кучайтиради.

Ноқуя таъсирлари

Препарат одатда яхши ўзлаштирилади. Кам ҳолларда юқори сезувчанлик реакциялари, холсизлик, бош оғриғи, гастралгия, меъдада тўйиб кетиш хусуси, кўнгли айниши, қусиш, оватқаз қилишни бузилиши кузатилади. Ушбу кўринишлар вақтинча характерга эга ва препаратни бекор қилишни талаб этади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик;
- буйракнинг оғир касалликлари;
- ҳомилдорлик ва лактация (эмизиш) даврида қўллаш мумкин эмас.

Дори воситасини ўртача ва оғир даражадаги сурункали шленефритда, буйрак етишмовчилигида (долзалаш тартибига тузатиш киритиш талаб этилади), кекса ёшдаги шахсларда (ушбу тоифадаги пациентларда қалавалар филтратсияси тезлиги пасайиши мумкинлиги туфайли) **эҳтиёткорлик билан** буюрилади.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ламбротинни бошқа препаратлар билан мажмууда қўллаш мумкин. Дориларнинг ўзаро таъсирининг ноҳуш кўринишлари ҳақидаги маълумотлар йўқ.

Йўталга қарши препаратлар билан бирга қўллаш йўтални камайиши фониди балғамни кўчишини қийинлаштиришига олиб келади. Бронхал секретта амоксициллин, цефуроксим, эритромицин ва доксициклинни киришини оширади.

Махусе кўрсатмалар

Препарат меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида клиник манзарога таъсир кўрсатиши мумкин.

Автотранспортни ҳайдаш ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Даволаш даврида диққатни юқори жамлаш ва психомотор реакцияларнинг тезлигини талаб этувчи потенциал хавфли фаолият турлари бйдан шўғулланишдан сақланиш керак.

Дозани ошириб юборилиши

Симптоллари: кўнгли айниши, қусиш, диарея, диспепсия, уйқувчанлик, тормозланиш, холсизлик, бош оғриғи, тахикардия, юқори таъсирчанлик, сийшини тутилиши, толиқиш (кўпинча цетиризинни 50 мг суткалик дозада қабул қилганда).

Даволаш: препаратни қабул қилгандан кейин биринчи 1-2 соат давомидида сунъий қусиш, меъдани ювиш, ёғлар сақловчи оватқаз қабул қилиш ёки фаоллаштирилган кўмир буюрилади.

Чиқарилиш шакли

Ламбротин 15 мг / 2,5 мг ёки 30 мг / 5 мг: ичга қабул қилиш учун сироп қаҳрабо рангли пластик флаконда, ўлчов стаканчаси ва тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар оломайдиغان жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.



Савдо белгиси ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси

BELINDA Laboratories Pvt. Ltd.
E-186, Room No.1, Basement, Greater Kailash-I,
New Delhi - 110048, Дели, Ҳиндистон.

Ишлаб чиқарувчи

Lark Laboratories (India) Ltd.,
SP-1192-E, Phase IV, RICO Industrial Area,
Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (тақлифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“Amelvia Pharm Service” МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўч., 36,
“EAST LINE” БМ.

Тел: +998 78 150 50 81, +998 78 150 50 82.

E-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk